

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимларига 2024 йил давомида қарор, ажрим ҳамда мурожаатлар асосида келиб туган жами **45 423 та** (2023 йилда 43 244 та) экспертизалардан **40 569 таси** бўйича экспертиза хулосалари ва мутахассис фикрлари берилган бўлиб, ўтган йилнинг хос даврига (2023 йилда 37 493 та) нисбатан **3 076 тага ошган**.

2024 йилда **4 млн. 343 минг 269 та** объектлар бўйича **895 минг 182 та** тадқиқотлар ўтказилиб, **110 310 та** саволлар ҳал этилган.

Экспертиза тайинловчи органларнинг соҳага оид билим ва саводхонлигини ошириш мақсадида **1 941 та** профилактик таклифлар берилди ҳамда **2400 нафар** суд ва тергов органлари ходимларининг Марказ бўлим ва лабораторияларида тажриба алмашишлари таъминланди.

Суд ва тергов органлари ходимларига **3 473 маротаба** тегишли маслаҳатлар берилиб, эксперт тажрибаси юзасидан **281 маротаба** умумлаштиришлар ўтказилди.

Ўтган даврда **543 маротаба** маъруза ва ўқув машғулоти ўтказилган.

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2024 йилда жами **24 млрд. 161 млн. 640 минг сўм** (2023 йилда 19 млрд. 802 млн. 790 минг сўм) маблағ туширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан **4 млрд. 358 млн. 790 минг сўмга** кўпайган.

2024 йилда Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув марказида **жами жами 157 нафар** давлат суд экспертларининг ҳуқуқий билимлари ҳамда **62 нафар** Марказ суд экспертларининг мутахассислик йўналишлари бўйича малака оширишлари таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2024-2030 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ва 2024 йилга мўлжалланган йўл харитасида белгиланган бандлар ижроси юзасидан **мақсадли кўрсаткичлар тўлиқ бажарилди**.

Марказнинг **Фарғона вилояти бўлимида Одам ДНКси суд биологик** экспертизаси лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди.

## **МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ СОҲАСИДА:**

Жисмоний ва юридик шахслардан **651 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг **541 таси** ариза, **109 таси** шикоят, **1 таси** таклифни ташкил этган.

Келиб тушган мурожаатларнинг **628 таси** ҳал этилган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг **176 таси** (29 %) қаноатлантирилган, **452 таси** бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган.

## **НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолиятини янада такомиллаштириш

тўғрисида»ги 849-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Марказнинг **Тошкент вилоят бўлими ва ГМО лабораторияси** ташкил этилди.

Суд экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Президент қарори лойиҳаси тайёрланди ва ушбу лойиҳа белгиланган тартибда Адлия вазирлигига киритилди.

## **ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ СОҲАСИДА**

Ҳисобот даврида жами **2873 маротаба** тарғибот тадбирлари ўтказилган. Тарғибот тадбирларининг **1131 маротабаси** оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан **164 маротаба** телевидения, **64 маротаба** радио, **110 маротаба** газета ва **103 маротаба** журналлар ҳамда **181 маротаба** расмий электрон нашрлар орқали тарғибот тадбирлари ташкил этди.

Шу билан бирга, марказ ва унинг вилоят бўлимлари ходимлари томонидан **1557 маротаба** оғзаки тарғибот тадбирлари ўтказилган бўлиб, шундан **490 таси** маъруза, **593 таси** давра суҳбатлари, **346 таси** семинар, **21 та** конференция ҳамда **107 маротаба** уйма-уй бориш тарзида ўтказилган тарғибот тадбирлари ташкил этди.

Марказнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида “**Эксперт адолат кўмакчиси**” ва “**Эксперт**” номли янги рунлар орқали **10 дан ортиқ** чиқишлар қилинди.

Шунингдек, **30 турдаги** ёзма ва **152 турдаги** кўргазмали ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ишлаб чиқилиб, тарғибот тадбирларида фойдаланиб келинмоқда.

## **ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ СОҲАСИДА**

2024 йилда янги 3 та экспертиза тури яъни, “*Fototexnika ekspertizasi*”, “*Видеотехника экспертизаси*” “*Дендрология экспертизаси*” амалиётга жорий этилиб экспертиза турлари **60 тага**, (2023 йилда **57 та**) мутахассисликлар сони **102 тага** (2023 йилда **92 та**) етказилди.

Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти ва тегишли бўлим, лабораториялар ҳамда олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда **жами 30 дан ортиқ** илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, тадқиқотлар якунлари юзасидан услубий тавсия ҳамда қўлланмалар ишлаб чиқилган.

ЭТРМ билан ҳамкорликда «**Ўзбекистон Республикаси худудида муомалада бўлган хорижий давлатлар пул бирликлари (банкноталар)нинг ҳимоя воситалари ва уларни қалбакилаштириш усуллари**ни тадқиқ қилиш» мавзусида

ИИВ ЭКБМ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ҳамда ИИВ Академияси билан ҳамкорликда «**Воқеа жойини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилларни аниқлаш, олиш, қадоқлаш ва экспертиза текшируви учун тақдим этиш қоидалари**» ва «**Махсус кукунлар экспертизаси**» мавзусида

ИИВ ЭКБМ, ЭТРМ, ДХХ Эксперт-криминалистика бўлими ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси билан ҳамкорликда «Суд хатшунослик экспертизаси» мавзусида илмий-тадқиқот ишлари якунига етказилиб, услубий тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб тегишли тартибда тасдиқланди.

Марказнинг Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда **2024 йил давомида 93 та** услубиятлар танқидий кўриб чиқилиши таъминланди.

Фуқароларга суд-экспертлари томонидан тавсия ва тушунчалар бериш мақсадида **7 номдаги** қўлланмалар ишлаб чиқилиб, кенг оммага етказилди.

Суд-тергов органлари учун тавсия ва тушунчалар бериш мақсадида умумий **3 та** қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Экспертиза соҳасидаги **11 та** номдаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига кўриб чиқиш тақдим этилган.

Марказ тарихида илк бор Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институти қошида «**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси**» ихтисослиги бўйича мустақил изланувчиликга қабул комиссияси томонидан **3 нафар** номзод мустақил изланувчиликка қабул қилинди.

Шунингдек, “**Ўзбекистон суд экспертизаси**” илмий журнаlining 4 та сони нашр этилиб, оммаг ҳавола этилди.

## **ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА**

2024 йил 23 август куни Марказ ва Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлигининг Суд экспертиза маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги баённома имзоланди.

**2024 йил 18–19 апрель кунлари** Марказ томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддалари ва жиноятчилик бошқармасининг (UNODC) Марказий Осиёдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “**Халқаро ҳамкорликнинг суд экспертизани такомиллаштириш ва ривожлантиришдаги ўрни**” мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Конференцияда **8 та** хорижий давлатларнинг, жумладан **АҚШ, Болгария, Туркия, Малайзия, Озарбайжон, Қозоғистон, Австрия, Хиндистондан** жами **15 нафар** вакиллар иштирок этишди. Шунингдек, конференция ишида республикамиздаги Давлат суд-экспертиза муассасалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда юридик йўналишидаги олий таълим муассасаларининг **400 нафар** вакиллари иштирок этишди.

**18 нафар** Марказ ходимининг хориж амалиётини ўрганиши ташкил этилди.

## **СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ СОҲАСИДА**

**Ўзбекистон Аккредитация Маркази** томонидан **O'zDSt ISO/IEC 17025:2019** «Тадқиқот ва калибрлаш лабораторияларининг ваколатлилигига кўйиладиган умумий талаблар» стандарт талабларига кўра, **Марказнинг Одам ДНКси суд биологик экспертизаси лабораторияси** “Биологическое исследование ДНК биоматериала человека (кров, слюна) для установления отцовства (материнства)” усули, **Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси** “Идентификация наркотических средств, получаемых из растения рода: конопля (ТГК) и мак снотворный (морфин, кодеин, героин)” усули, **Суд фонография экспертизаси лабораторияси** “Идентификация личности” усули, **Хужжатлар криминалистик экспертизаси лабораторияси** “Визуальная идентификация” усули (аккредитация доиралари) бўйича ташқи даврий **баҳолаш инспекцион текширувидан ўтказилди.**

Марказнинг Суд баллистика ва изшунослик экспертизаси, Одам ДНКси суд биологик экспертизаси, Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси, Суд фонография экспертизаси, Хужжатлар криминалистик экспертизаси лабораториялари, Суд компьютер-техникавий экспертизаси бўлими ва Марказнинг Хоразм вилоят бўлими Одам ДНКси СБЭ си **аккредитация доирасидаги тадқиқот усуллари бўйича** ҳамда Марказ Сифат менеджменти бўйича **ички аудит текширувлари ўтказилди.**

## **АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА**

Марказда қуйидаги ахборот тизимлари ва электрон дастурлар ишлаб чиқилган:

«**Sudexmail.uz**» корпоратив электрон почта тармоғи.

Шахс идентификацияси ва диагностик масалаларини ҳал этишга қаратилган кўп тармоқли «**DNA HELPER**» электрон дастурий таъминоти.

Марказ ходимларининг нуфузли маҳаллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган илмий мақолалари ягона электрон базасини шакллантириш мақсадида «**lib.sudex.uz**» илмий мақолалар электрон маълумотлар базаси.

Биологик қариндошликни аниқлаш ва шахс идентификациясини ўтказишда эҳтимоллик даражасини ҳамда популяцион полиморфизм таҳлилини ўтказиш вазифасини бажаришга мўлжалланган «**DNA allele frequency UZ**» дастури ишлаб чиқилди.

## **КАДРЛАР ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА**

Экспертиза турига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Адлия вазирининг 2024 йил 5 мартдаги 84-ум-сон буйруғига кўшимча штатлар ажратиш юзасидан вазир буйруғи ва ушбу буйруқ ижросини таъминлаш бўйича Марказ директорининг 2024 йил 11 мартдаги 20-ум-сон буйруғи қабул қилиниб, Марказнинг штатлар жадвалига ўзгартириш киритиш орқали Марказнинг

худудий бўлимлари учун **жами 16 та** штат бирлиги қўшимча жорий қилинди.

Ҳисобот даврида **173 нафар** ходимга нисбатан тегишли рағбатлантиришлар қўлланилди ва **44 нафар** ходимга навбатдаги мартаба даражалари берилди.

Шунингдек, вакант лавозимларни кадрлар билан тўлдириш мақсадида жами **18 мартаба** танлов ўтказилди, танлов натижаларига кўра **50 нафар** номзод ишга қабул қилинди.

Бундан ташқари, **34 нафар** эксперт давлат суд эксперти ва қўшимча мутахассислик бўйича малака комиссиясидан ўтказилиб, қўшимча имзо ҳуқуқларига эга бўлди.